ЖС. 2003/1-2

ШАРҚ МАШЪАЛИ

1-2/2003

№. 2003/1-2

ШАРҚ МАШЪАЛИ

1992 йилдан чиқа бошлаган
№ 1-2 2003 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ НАШРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг рўйхатидан қайта ўтган (№ 00085 1998 йил 8 июл)

Таъсисчи:
Тошкент Давлат шарқшунослик институти

Таҳрир қайъати:
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
бош муҳаррир

М. КОМИЛОВ
бош муҳаррир муовини

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ
масъул котиб
О.ШОМАТОВ
Ш.ШОМУҲАМЕДОВ
А.МАННОНОВ
Т.А.МУХТАРОВ
Р.У.ХЎЖАЕВА
М.ИСҲОҚОВ

Таҳририят:
А.Ҳабибуллаев (муҳаррир)
С.Юсупова (техник муҳаррир)
М.Зарифов, А.Юнусов, И.Одилова - техник котиблар
Инглиз тилидаги рукнни У.Юсупова, араб тилидаги матн Муҳаммад ал-Бухорий тайёрлаган.

Журнал тайёрланган оригинал-макет асосида босилди.
Шарқ машъали, 2003 йил 1-2-сон
Индекс 75460.

Босишга рухсат этилди 11.12.2003
Бичими 84x108 $^{1}/_{16}$ Шартли 3,5 б.т.
500 нусхада босилди. Буюртма № 15.
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонасида босилди
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2003.
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Халқаро муносабатлар ва адабий алоқалар

Расулов А.Н. *Бошқирд халқига ёрдам 3*
Қирғизбоев А *Ҳамкорликнинг янги қирралари 9*
Абдувосилова М. *Амрита Притам ва шоира Зулфия 12*
Йўлдошев С. *Марказий Осиё покистонлик олимлар ижодида 15*
Мирзиётов Ш. *Муҳаммад Иқбол. Ислом фикрини янгилаш дастури 17*

Маънавият чашмалари

Фикрат Ҳ. *Хароботий ва унинг "Маснавий Хароботий" асари.....19*
Носиров Р. *Ломакондан жой олган (Машраб фалсафаси) 21*
Низомова Ф. *Амир Хусрав рубоийларида тасаввуф оҳанглари 26*
Абдулла О. *Ҳинд халқ масал-эртаклар тўплами «Бешнома» 30*

Илмий изланишлар

Баракаев Р. *«Гулистон»–«Шавқи Гулистон»–«Туркий Гулистон».....33*
Парпиева Г. *«Лисон ут-тайр» таржимасида рамз ва тимсоллар.....36*
Мусаев Т. *«Шайтанат» қиссасининг айрим тил хусусиятлари.....38*
Карочий Р. *Навоий «Мажолис»идаги аёллар. 41*
Орипов З. *Ибн Синонинг мусиқа илмига оид асарлари.....44*

Тақвим

Ғиёсов. *Тарихчи-шарқшунос олим ва мураббий 47*
Имомназаров А. *Эроншунос Қуронбеков 48*

SUMMARY 51

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI KUTUBXONASI №

Али ибн Синони кўпроқ неоплатончилар қаторига қўшиб қўяди.

Масалан, М. Иқбол «Эронда метафизиканинг ривожланиши» асарининг 44-бетида Ибн Сино ҳақида қуйидагиларни ёзади:

"Биз илк форс неоплатончиларининг асарлари билан танишдик. Уларнинг орасида Ибн Сино ҳам бор эди".

Шунингдек, Муҳаммад Иқбол ўзининг "Жовиднома" асарида, Абу Наср Форобий илгари сурган одил жамият ҳақидаги фикрни давом эттириб, уни яна бир поғонага кўтаради.

Файласуф – шоир ўзи яшаб турган мавжуд тузумга салбий муносабатда эканлигини ўз асарларида очиқ баён этади. Бу муаммони ҳал этишда М. Иқбол Абу Наср Форобийнинг "Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари"дан илҳомланганлигини кўришимиз мумкин.

М. Иқбол жаҳон маданияти хазинасига буюк ҳисса қўшган, жаҳонга улуғ мутафаккирларни етказиб берган, илм-фан ва маданият маркази бўлиб келган кўҳна ва навқирон Самарқанд, Табриз, Бухоро, Кобулни ўз шеърларида тараннум этиб келган. Жумладан, бир шеърида шундай ёзади:

Танам яратилган азиз Кашмир хокидан,
Қалбим эса, Ҳижозу Шероз идрокидан,
Гарчи Баррасағирда туғулганман мен,
Аммо кўзларимда порловчи шўъла
Бухоро, Кобул, Табриз ҳоки покидан.

Муҳаммад Иқбол Афғонистон подшоҳи Нодиршоҳ таклифига биноан 1893 йили октябрь ойида Афғонистонга ташриф буюради.

Аллома Иқбол сафар чоғида Кобул, Ғазни, Қандаҳор каби тарихий, маданий шаҳарларни зиёрат қилади. Афғонистон сафарларидан олган тассуротларини "Мусофир" номли рисоласида баён қилади. Мазкур асарида Иқбол Кобул шаҳрининг диққатга сазовор тарихий "Боғи Бобурий"идаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур қабри устида қуйидаги шеърни битади:

Хушо, насиб ки хоки ту оромид ин чо –
Ки, ин замин, з тилисми фаранг озод аст.
Ҳазор мартаба Кобул никутар аз Деҳлист –
"Ки, он ачуза арўси ҳазор домод аст".
Даруни дида нигоҳ дорам ашки хунинро –
Ки, ман фақираму ин давлати худодод аст.

Таржимаси: Эй Бобур, сен хушнасиб ва бахтиёрсан – тупроғинг Кобулдадир. Бу тупроқ фаранг (инглиз) тилсимидан озоддир. Кобул Деҳлига қараганда минг марта афзал. Чунки Деҳли минг куёвга тегиб чиққан кампир-келинни эслатади. Дийдам ичра қонли ёш тўлиб-тошгандир. Мен бечора, фақирман, Кобул эса Худо берган (насиб этган) давлатдир"[1].

Иқбол ўз ижодида Марказий Осиё мавзуига, унинг кўзга кўринган мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Синоларга, Самарқанд, Бухоро, Кобул каби илм-фан ва маданият маркази бўлмиш шаҳарларга мадҳиялар бағишлаб, нафақат Покистонда балки бутун мусулмон оламида катта шуҳрат қозонди.

Аллома Иқбол бошлаган бу хайирли ишни янги даврда унинг ватандошлари давом эттириб келишмоқда.

Покистонлик таниқли олим Себтэ Ҳасан "Покистонда маданиятнинг тараққиёти" асарида Марказий Осиё ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларда яратилган бой илм-фан ва маданият хазиналарининг таъсири кучли бўлганлигини тасвирлайди. Кушонлар давридаги, туркийлар қавми ҳукмронлиги ва мўғуллар давридаги илм-фан ва маданиятнинг Покистон маданияти ривожига таъсири асарнинг уч бобидан ўрин олган.

Покистон маданиятининг ривожига туркий маданиятнинг таъсири ҳақидаги бобда Қутбиддин Ойбек, Илтутмиш Алоутдин Хилжий, Маҳмуд Туғулуқлар ҳукмронлик қилган давр, қаламга олинган. Бу даврда, дарҳақиқат, туркий маданият яхши ривожланган эди. Бу асарда марказий осиёлик подишоҳлар Ҳиндистон ярим оролида ҳукмронлик қилган даврларида туркий маданият ўз навбатида миллий маданиятнинг ривожига ўз таъсирини кўрсатганлиги баён қилинган. Асарнинг еттинчи боби, айниқса диққатга сазовордир. Чунки бу ерда "мўғуллар сулоласи", яъни Бобурийлар, ҳукмронлик қилган даврда туркий маданият, туркий тилнинг ривожи ҳамда илм-фанга муносабати, айниқса, яхши бўлганлиги тўғрисида диққатга сазовор фикрлар баён қилинади.

Заҳриддин Бобурнинг шеърлари, ғазаллари жозибалилиги билан Ҳиндистон ярим оролида яшовчи шеърият мухлислари томонидан қизғин кутиб олинарди, деб ёзади Себтэ Ҳасан.

[1]Усмонов О. М. Иқбол Афғонлар эрксеварлигининг куйчиси. – Т., 1979, 79-бет.

Бобур Мирзо мамлакатда илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантирибгина қолмай, ўзи ҳукмронлик қилган давлатнинг шаҳар ва вилоятларида ариқ, зовур ва ҳовузлар қазишга катта эътибор бериб келган.

Жумладан, Бобурнинг набираси Аурангзеб, Покистоннинг қадимий маданий маркази бўлмиш Лоҳур шаҳрида, "Шолимар боғ"да, Фарғона водийсидаги мевали дарахтларни экиб ўстирган", - деб ёзади Себтэ Ҳасан.

Яна бир покистонлик олима – фалсафа фанлари доктори Саида Иқбол "Ҳиндистон субконтинентида ислом рационализми" номли монографиясида Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Синоларнинг фалсафий таълимотларини таҳлил қилиб, Абу Наср Форобий ўзининг мантиқий таълимотини яратишда Арастунинг мантиқий таълимотидан озуқа олган деб ёзади.

Саида Иқбол Ўрта аср марказий осиёлик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Навоий ва Бобирларнинг илғор фикрларини илгари суриб, мамлакатлар ўртасида илмий-маданий алоқаларнинг ривожига улкан ҳисса қўшди.

Биз икки мустақил давлатнинг авлодлари, дўстлик кўпригини бунёд этган буюк бобокалонларимизнинг хайирли ишларини янада ривожлантириш, уни янада юқори чўққиларга кўтариш ишларини ўзимизнинг муқаддас бурчларимиз деб билмоғимиз керак.

Муҳаммад Иқбол. Ислом фикрини янгилаш дастури

Шуҳрат МИРЗИЁТОВ,
ТошИУ аспиранти

Исломга оид фикрларни янгилаш муаммоси XVIII аср мусулмон мутафаккир олимларининг кўплаб асарларида баён этилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, XVIII асрнинг охирларида Ислом олами барча соҳаларда ачинарли ҳолатга тушиб қолди. Бу даврга келиб мазҳаблар ўртасидаги кураш шу даражага бориб етдики, натижада Ислом ақидаси ва асосларининг амал қилиши заифлашиб, мусулмонларнинг тушкунликка тушиб қолишларига сабаб бўлди. Ислом оламида мавкурафий заифлик юзага келганидан фойдаланмоқчи бўлган кўпгина ғарб мамлакатлари шарқ давлатларига ўзларининг маданиятлари ҳамда мафкураларини сингдира бошладилар. Ғарб маданияти мусулмон жамиятининг ичкарисига тобора чуқурроқ кириб борди. Оқибатда мусулмон кишисининг тафаккурида Ғарбдан кириб келган замонавий ақидага муносабат масаласида янги бир ихтиёрий йўналиш пайдо бўлди. Натижада, ўз ота-боболаридан мерос бўлиб келган, ҳаёт мазмунининг асоси ҳисобланган ислом фикрига содиқ қолиш керакми ёки Ғарбдан кириб келган замонавий фикрларни қабул қилиш маъқулми, деган муаммо юзага келди.

Албатта, бу борада турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларни 3 йўналишга бўлиш мумкин эди:

1) Ўз маданиятлари ва урф-одатларини, анъаналарини маҳкам тутиб, Ғарбдан кириб келаётган фикрларни қатъиян рад этувчилар;

2) Ғарбдан кириб келаётган фикрларни рад этган ҳолда, ижтимоий янгиланишга майл билдирувчилар;

3) Янгиланиш фикрига маҳкам ёпишиб олиб, Ғарбга тақлид қилиш ва эргашиш, мавжуд анъаналардан воз кечиш тарафдорлари.

Учинчи тоифа радикал йўналишда бўлиб, бу каби фикрловчилар том маънода миллатнинг йўқолиб кетишига олиб келадилар, албатта.

Иккинчи тоифага мансуб кишилар, ўз маънавий меросларини ва қадриятларини эъзозлаш билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий ва диний соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш кераклигини ҳамда ушбу ислоҳотлар ислом асослари ва қоидаларига суянган тарзда олиб борилиши лозимлигини таъкидлайдилар ва Ғарбнинг турли соҳалардаги ижобий муваффақиятларидан унумли фойдаланиш керак деб ҳисоблайдилар. Бу йўналиш тарафдорлари қадимги қадриятлар билан замонавий фикр ва эришилган ютуқларни

бирга жамлайди. Улар ислом ривожланиш, равнақ ва тараққиёт учун кенг йўл очиб берган, замонавий юксалиш учун имкон берадиган, энг пок дин эканлигини эътироф этар эдилар. Ана шундай фикрловчи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида мусулмонлар замонавий юксалиш ва илм-фан тараққиётига ҳисса қўшишлари мумкинлигини англаб, замон талабига жавоб берувчи дастурлар яратишга киришдилар.

Исломдаги фикрларга янгиланиш ғояларини олиб кирган ва бу борада жонбозлик кўрсатганлардан бири шоир, олим ва мутафаккир Муҳаммад Иқбол эди.

Муҳаммад Иқбол 1877 йилда Ҳиндистоннинг Синжоб вилоятида таваллуд топди. Унинг оила аъзолари диндор ва тақволи одамлар эди. Шундан бўлса керак, у биринчи галда диний илмларни ўрганиш, Қуръони каримни ёд олиш билан шуғулланди. Кейинчалик, Иқбол Лаҳор университетини тамомлади. Сўнгра ўз илмини янада кенгайтириб, магистрлик даражасига эга бўлди. Иқбол ғарб маданияти, илм-фани ва у ердаги ҳаёт тарзини ўрганиш учун Европага йўл олди. У Лондон ва Олмонияда яшаб, иқтисод, қонунчилик ва фалсафа илмларини ўрганди; фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олди.

Ёшлигидан мукаммал диний тарбияга эга бўлган Муҳаммад Иқбол ўз замонасида содир бўлаётган ўзгаришлардан таъсирланиб, теран ақл-заковат билан Ислом ва Ғарб маданиятларни бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Яратувчи:
Сув ва хокдан мен коинот яратдим,
Сен яратдинг тотору зангу Эрон.
Мен тупроқдан маҳкам пўлат яратдим
Сен яратдинг қилич, милтиқ, палаҳмон.

Инсон:
Сен тунни яратдинг – мен эсам чироғ
Сен лой яратдинг – мен майкоса – аёг.
Сенинг қудратингдан – тоғу биёбон,
Менинг қудратимдан – боғу маъдан-кон.

У асарларида Шарқ ва Ғарб, ҳинд ва мусулмон бирлиги, одил жамият, ғояларини илгари суришда баъзи ўринларда ислом таълимотига асосланса, бошқа ерларда ғарб файласуфлари Гегель, Кант, Эйнштейнлар фикрларига суянади. У ўзининг Ислом ҳақидаги фикрларида Ғарб маданиятини танқид қилмасдан, айни вақтда унга чуқур берилиб ҳам кетмасдан, унинг Ислом дунёси учун киришимли ва хатарли томонларини баён қилди. Иқболнинг ижтимоий қарашлари ҳатто Ғарбликларни ўз маданиятларининг хатарли жиҳатларидан огоҳлантириши билан ҳам эътиборга лойиқ. Иқбол меросини айни шу йўналишда чуқур тадқиқ этилиши ислом оламидаги янгиланиш жараёни босқичларини белгилашда кенг имкониятлар яратади.

Муҳаммад Иқбол

ИНСОН

Табиатнинг ажиб нози бор!
У инсондан яширар сирин,
Сирларини тутар яширин.
Аммо истак ақлни қистаб,
Бу сирларни очади истаб.
Бу муаммо завқли ва оғир.
Ажойибдир аввалу охир.
Денгиз томон югурар дарё,
Тўлқинларда ҳайқирлик нидо.
Ёлқасига шамолни ортиб,
Ўтиб борар булутлар учиб.
Жимиллайди юлдузлар баланд,
Фалак ғира гўё занжирбанд.
Уйғотади водийни қуёш,
Табиатга бағишлаб кувонч.
Шафақ майин ғади борлиқ.
Барғаси ўз шавқига боғлиқ.
Барғаси ўз-ўзига мастдир,
Бир-бирига мосу пайвастдир.
Инсон билан иш тутмас улар,
Инсон ҳамдан бошқа не билар?...

Жуманиёз Жабборов таржимаси

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАЛАРИ

Хароботий ва унинг "Маснавий Хароботий" асари

Ҳурматжон ФИКРАТ,
ХХР Шинжон университети ўқитувчиси

Билим бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.
Асадий Тусий

Айрим нақшбандия вакилларининг XV–XVI асрларда бошланган мол-дунё йиғишга мойиллик ва сиёсийлашув хоҳиши XVII асрга келиб янада равшанлашди. Мазкур тариқат таъсирининг шарққа қараб кенгайиш, яъни уйғурлар орасига кириб ва сингиб бориш, ёйилиш жараёнида эса бу ҳол ниҳоятда ошкора тус олди. Уйғурлар орасида фаолият олиб борган Махдуми Аъзам (1463/64–1542) ўғиллари ва уларнинг авлодларида тариқатга раҳбарликдан кўра сиёсий ҳокимиятга интилиш тамойили устуворлик қилганди[1]. Шу боис, улар учун тариқатнинг асли мақсад-моҳияти бўлмиш авомни ҳидоятга бошлаш ва тарбиялаш унча муҳим ўринда турмаган, аксинча, бойлик ва мурид орттириш, энг муҳими ҳокимиятга кириб бориш асосий нишон қилинган. Шунинг учун улар авомни ҳидоят ва аҳлликка эмас, балки залолат ва гуруҳбозликга етаклади ва охир бориб, бир-бировларига ҳеч қандай хусуматлари бўлмаган халқни "Оқтоғликлар", "Қоратоғликлар" дея аталган қарама-қарши икки гуруҳга бўлинишга мажбур қилди. Амалда, бу икки гуруҳ худди қозоқ олими Чўқон Валиханов ўз хотираларида қайд этганидек, "таълимотларида ҳеч қанча фарқ бўлмаган, фақат уларга бош бўлганларнинг характери ва фазилатлари билангина бир-бировларидан ажралиб турадиган икки гуруҳ[2]" эди, халос.

Бу икки гуруҳнинг сиёсий устунлик талашиш учун курашларининг авжга чиқиши натижасида, "Оқтоғликлар"нинг раҳбари Офоқ Хожанинг (1625–1694) Ғолдан Бушукту (1617–1697) бошчилигидаги қолмоқ қўшинларини Қашқарга бошлаб келиши билан, 165 йил ҳукм сурган Ёркент Саййидия хонлиги (1513–1678) инқирозга учраб тарих саҳнасидан тушди. Шу билан уйғур тарихининг қоронғи ва зулматли саҳифаси бўлмиш "Хожалар даври"нинг (1678–1759) муқаддимаси очилди.

Қашқарга жойлашиб олган "Оқтоғликлар" билан, Ёркентни марказ қилган "Қоратоғликлар" ўртасидаги диний ниқоб остида борган сиёсий кураш натижасида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида анчадан бери ҳукм суруб келаётган қашшоқлик, кўр-кўрона ақидапарастлик, гуруҳбозлик тобора кучайиб, авж олиб бордики, охир оқибатда нафақат сиёсий, иқтисодий инқироз, балки энг ачинарлиси маънавий таназзулга олиб келди.

Шоир Хароботий мана шундай мураккаб ва зидиятли бир даврда, ақллар жаҳолат тумани остида қолиб, кўр-кўрона ақидапарастлик ўзини

[1]Ж.Тримингэм. Суфийские ордены в Исламе. Пер.с анг. А.Ставиской, под ред. О.Акимушкина. - М., 1989, с.84.

[2] Чукон Валиханов. "Собрание сочинении", т. 3, Алма-Аты, 1985., с.127.